# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 78 (9.728) 2002 йил 5 июль, жума ◆ Сотувда эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

# МАТБУОТ ВА АХБОРОТ СОҲАСИДА БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ва «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ ҳамда мамлакат ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида республика аҳолисининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг кўламда ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириш мақсадида:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолиятига доир конституциявий ҳуқуқлар ва қонунчиликнинг сўзсиз бажарилиши, сўз ва матбуот эркинлиги кафолатлари таъминланиши мониторингини олиб бориш;

республика фуқароларининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, аҳолининг, аввало ўсиб келаётган ёш авлоднинг билим, маънавий ва маданий савиясини ошириш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда оммавий ахборот воситаларини, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг миқёсда ривожлантиришга кўмаклашиш;

ноширлик ва матбаачилик фаолияти, оммавий ахборот воситалари, даврий нашрларни тарқатиш, шу жумладан, мазкур фаолият турларида рўйхатга олиш ишларини бажариш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш;

нашриётлар, оммавий ахборот воситалари, телевидение, радиоэшиттириш ҳамда республика ахборот бозорининг бошқа қатнашчилари томонидан ахборот соҳасида амалдаги қонунчиликка риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш;

ахборот тайёрлаш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш соҳасида республика фуқаролари ҳамда юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлаш;

ноширлик фаолиятини лицензиялашни ташкил қилиш;

ноширлик ва матбаачилик фаолиятида, даврий нашрларни тарқатишда ягона техникавий сиёсат ўтказиш;

реклама тайёрлаш, шунингдек уни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

ноширлик-матбаачилик фаолиятининг ишлаб чиқариш-техника базасини ривожлантириш ва янгилаш, стандартлаштириш ҳамда сертификациялаш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги этиб;

вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги матбуот ҳудудий бошқармалари тегишли равишда матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармалари этиб қайта ташкил қилинсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармаси ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигига цензура, таҳрир қилиш, тақиқлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятига ўзгача тарзда ғайриқонуний аралашиш қатъиян ман этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигига, матбуот ва ахборот соҳасидаги қонунчиликни бузувчи давлат бошқаруви органларига, жойлардаги ҳокимият органларига, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларига ўз ваколати доирасида қонунчиликда белгиланган тартибда қарорлар (тақдимномалар) юбориш ҳуқуқи берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Агентликнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари ва тақдимномалари вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, муассасалар ва ташкилотлар, мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалари ҳамда нашриётлар томонидан матбуот ва ахборот соҳасидаги қонунчилик мунтазам равишда бажарилмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги уларга берилган лицензия ҳамда рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини суд орқали тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли идоралар билан биргаликда бир ой муддат ичида қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

8. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 3 июль.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**



«Растр» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган матбаа маҳсулотлари ўзининг сифати билан ажралиб туради.

**СУРАТДА: матбаачи Шерзод Саматов ўз касбини пухта эгаллаб, илғорлар сафида меҳнат қилмоқда.**

**Сергей Любчич олган сурат.**

## ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Сергели туманидаги «Меҳр-мурувват» марказида туман ҳокимлиги ва ижтимоий-таъминот бўлими ҳамкорлигида фахрийлар иштирокида уюштирилган хайрия тадбири Қарияларни қадрлаш йилига бағишланди. Ҳомийлар «Венто» қўшма корхонаси, «Савдотехсервис», «Иззатилла-Шаҳноза» ва «Илмитова Муборак» хусусий фирмалари томонидан тақдим этилган тўкин дастурхон ҳамда концерт дастури қариялар кўнглини шод этди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги «Туркистон» маҳалласида фаоллар ва ёшлар иштирокида бўлиб ўтган тадбир «Маҳалланг тинч — сен тинч» деб номланди.

● **РЕСПУБЛИКА** «Устоз» жамғармасида педагоглар иштирокида ўтказилган тадбирда хориж таълим тизими ўқитувчилари билан педагогик соҳадаги ҳамкорликни янада кучайтириш масаласи муҳокама этилди.

● **МИРЗО** Улуғбек номли Ўзбекистон миллий университетида тилшунос олимлар иштирокида «Тилшуносннинг бугунги долзарб муаммолари» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

**ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!**

## ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

***Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг жаҳон андозаларига мос, харидоргир ва сифатли бўлишида «Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссадорлик жамиятининг дунёга машҳур фирмалар билан ҳамкорлиги айниқса муҳим роль ўйнамоқда.***

Ишлаб чиқариш тизими янги замонавий дастгоҳлар билан бойиши натижасида кўзланган мақсадга эришилмоқда. Трансмиссия ишлаб чиқариш корхонасида ишга туширилган Швейцариянинг «Микрон» фирмасидан келтирилган дастгоҳлар олдингиларидан тубдан фарқ қилади.

— Мазкур дастгоҳлар бир йўла токарлик, фрезерлик, из очиш каби механик жараёнларни бажариш қобилиятига эгадир, — дейди участка раҳбари Бегали Эшметов. — Трансмиссиянинг асосий деталларидан саналган бирламчи, иккиламчи ва оралиқ валлардаги деярли барча операциялар тоза ва сифатли бажарилиши натижасида трансмиссия шовқинига ҳам ижобий таъсир қилмоқда.

Яна шуниси билан диққатга сазоворки биргина дастгоҳ олти-етти дастгоҳни ишини бажариб етти-саккиз ишчининг ўрнини босмоқда.

**Ҳусан БАРАТОВ**

***Ўзбек маданиятини хорижликларга янада кенгроқ таништириш санъат аҳли олдида турган муҳим вазифалардан эканлиги ҳеч кимга сир эмас.***

## Миллий асарларимиз эътирофи

АҚШнинг пойтахти Вашингтон шаҳридаги Жаҳон Банкининг Бадиий галереяси икки ҳафта мобайнида америкалик санъат ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Чунки халқимизнинг миллий тарихи, анъаналари, урф-одатлари ҳамда бетакрор манзараларини ўз асарларида акс эттирган ҳамюртларимиз Алишер Алиқулов, Вячеслав Усейнов, Мухторхон Эсонов ва Акмал Нурларнинг асарлари кўргазмаси америкаликларга намойиш этилди. Ва шуни ишонч билан таъкидлаш лозимки, ушбу асарлар санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирди.

Муҳими, шу кунлар мобайнида ўзбекистонлик рассомлар америкалик ҳамкасблари фаолияти билан янада яқиндан танишишди.

**Икром ЖУМАНИЁЗОВ**

## Сафардаги йирик ғалаба

**ЎТГАН КУНИ**

***Навоийда бўлиб ўтган мамлакат XI миллий чемпионатининг кечиктирилган 11-тур учрашувида «Зарафшон» билан куч синашган пойтахтимизнинг бош жамоаси «Пахтакор»га яна омад кулиб боқди.***

Шиддатли, ҳужумкор ўйин намойиш этган тошкентликлар рақиблари дарвозасига 6 та жавобсиз тўп йўллаб очколари сонини 40 тага етказиб турнир жадвалида иккинчи ўринда келаётган «Қизилқум»дан 6 очкога ўзиб кетишди.

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● Самарқанд вилояти ғаллакорлари давлатга дон топшириш шартномавий режасини бажардилар. Ҳозиргача 261,5 минг тоннадан ортиқ сара дон тайёрланди.

● **Кеча** Наманган вилояти ғаллакорлари ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Улар 223,4 минг тонна сара дон тайёрлаб, давлат шартномавий режасини бажардилар.

● Миллий матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий ахборот воситалари ходимларининг республика таълим ва соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

● **Ўтган куни** Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссиясида «Никоҳ, қариндошлик ва ирсий алоқалар муаммолари» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.

● Тошкентда **кеча** нишонланган Америка Қўшма Штатларининг миллий байрами — мустақиллик эълон қилинганининг 226 йиллиги муносабати билан байрам кечаси бўлиб ўтди.

● **Бугун** пойтахтимизнинг Сергели туманида ўз ишини давом эттирган хусусий бизнес вакиллари учун қурилиш материаллари ва қурилишга оид халқ истеъмол моллари ярмаркаси иштирокчилар билан гавжум бўлди. Мазкур ярмаркада 1 миллиард сўмлик 500 турга яқин маҳсулот харидорлар эътиборига ҳавола этилган.

● Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида «Ижтимоий ҳамкорлик — уни амалга ошириш воситалари, тажриба ва истиқболлари» мавзуида амалий анжуман уюштирилди.

● Тошкент Давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилаётган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аҳамиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тушунтириш ишлари самараси ўлароқ институтда тайёрланган илмий-оммабоп рисолаларнинг тақдимоти ўтказилди.

● «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан «Соғлом муҳит — соғлом қариялик» дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикасига қарийб 35 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга қарор қилди.

● Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 январдаги «Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Британия кенгаши ҳамкорлигида пойтахтимизда шу номдаги университет очилди.

### Жаҳонда

● Германиянинг Неллинген шаҳрида йиллик халқаро мусиқали байрам ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Бельгия, Дания, Голландия, Швейцария ва Германиядан борган рақс гуруҳлари иштирок этди. Ўзбекистондан Марғилондаги 6-мактаб тарбияланувчилари ушбу байрам иштирокчилари бўлишди.

● АҚШ мустақиллиги куни муносабати билан мамлакат қуролли кучларида хизмат қилаётган 15 минг муҳожир фуқаролик ҳуқуқига эга бўлди. АҚШ Президенти Жорж Буш шу ҳақдаги Фармонни имзолади.

● Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа полиомиелит касаллигидан бутунлай халос бўлганлиги хусусидаги хабарни эълон қилди.

● Тайбей ҳукумати Чан Кайшининг мамлакат бўйлаб тарқалган ва ҳурмат билдириб осиб қўйилган портретларидан воз кечишга қарор қилди. Фақат ҳарбий муассасаларгина бундан мустасно. Негаки, генераллиссимус Чан Кайши ҳарбийлар орасида миллий саркарда сифатида қадрланади.

● Хабар берганимиздек, америкалик миллионер ва саёҳатчи Стив Фоссет ёлғиз ўзи ҳаво шарида дунё бўйлаб саёҳатга чиққанди. У ўз мақсадига эришди. Саёҳатчи тунда шарқий узунликнинг 117-даражасига келиб қўнди.

● Словениялик сузувчи Мартин Стрел узоққа сузиш бўйича жаҳон рекордини янгилаш мақсадида **кеча** яъни АҚШ мустақиллиги куни Миссисипи дарёси бўйлаб сузишни бошлади. У 4 минг километр узунликдаги дарёни 66 кунда сузиб ўтмоқчи.

● «Toyota» компанияси ўзининг такомиллаштирилган «Vares.T. Sport» автомобилини чиқара бошлади. Унинг двигатели 105 от кучидан 150 от кучигача етказилган бўлиб, 7,5 сонияда соатига 100 километр тезликка эриша олади.

# Камолот

**ТАДБИРЛАР**

## Ҳамжиҳат ёшлар

*«Хайрли ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак». Ушбу нақл «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Акмал Икромов туман бўлими вакиллари шиорига айланиб бораётганлигини бўлим томонидан амалга оширилаётган фойдали ишлардан ҳам билсак бўлади. Туманнинг «Шарқ гули» маҳалласи ҳудудида жойлашган милиция таянч пункти биносида «Карвонбозор» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳомийлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ташаббускорлигида ҳашар йўли билан олиб борилаётган қизғин таъмирлаш ишлари юқоридаги фикримизнинг далилидир.*

Уч хонадан иборат ушбу милиция таянч пунктининг дастлабки ҳолати бирмунча ачинарли эди. Бу ҳол «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши назаридан четда қолмади.

— Ички ишлар ходимларига қулайлик яратиш мақсадида амалга оширилган ушбу тадбирга биз туман Қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежининг сўнгги босқич талабалари, яъни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими аъзоларини ҳам жалб этдик. Бу эса ёшларимизни келажакда фойдали меҳнатга йўналтириш учун хизмат қилади, — дейди ўз сўзида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими бошлиғи Санжар Содиқов.

Хайрли ва фойдали ишнинг катта-кичиги бўлмайди. Энг муҳими, бундай ишларнинг ёшларимиз эътиборидалиги бугунги куннинг асосий талабидир.

**Орзугул РУСТАМОВА**

**МУЛОҲАЗА**

## Ҳаммамизнинг ишимиз

***Жамиятимиз таянчи ёшлар ҳисобланади. Уларнинг қандай ҳаводан нафас олиб вояга етишлари, тарбия кўриб, таълим олишлари эртанги кунимизни белгилайди. Давлатимиз томонидан уларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкил этилиши ва унинг муваффақият билан иш олиб бориши эса ёшларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин кўринишидир. Хўш, «Камолот» ҳар жабҳада ёшларга кўмакка етиб бора оляптими? Нималарда оқсаяпти?***

— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшлар орасига кириб боришга улгурди. Ўз ҳаракатини, мақсад ва вазифаларини уларга тушунтира олди. Уларнинг бирлашиб ҳаракат қилишлари, истак ва талабларини, фикр-мулоҳазаларини билиш учун қатор ишларни амалга оширмоқда. Иқтидорли, истеъдодли, фаол ёшларни топишга, . уларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда. Албатта буларнинг ҳаммаси қуруқ гап билан эмас, жуда катта меҳнатлар эвазига амалга ошмоқда. Лекин кўпчиликни ташвишга солаётган оғриқли муаммо борки, бундан кўз юмиб бўлмайди. Ёшларни ишга жойлаш, уларнинг бирон ҳунарни эгаллашига ёрдам бериш масаласига алоҳида эътиборни қаратмоқ керак. Тўғри, бу борада маълум ишлар амалга оширилмоқда. Лекин булар оз, жуда оз. Кўчаларда, томошагоҳларда, истироҳат боғларида бекорчиликдан номақбул ишларни қилиб, кўпчиликнинг ғашига тегиб юрган ёшларни кўрганда ачиниб кетасан киши. Ҳар йили ўқув даргоҳларини, ўрта умумтаълим мактабларини қанчадан-қанча ёшлар битириб чиқади. Уларнинг ҳаммаси ишга, ўқишга жойлаша оладими? Нима иш билан шуғулланмоқда? Ўқишга кира олмаган ёшларнинг ҳар бир туманда аҳолини иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган меҳнат бўлимлари фаолиятидан хабарлари борми? Ахир меҳнат бўлимлари ёшларни ўзлари хоҳлаган касбни, ҳунарни эгаллашларига ёрдам берадилар, қисқа муддатли курсларда бепул ўқитадилар. Ўқишга кира олмадим, иш ҳам йўқ деб бекор юрган ёшларнинг эртага турли оқимларга кириб қолмаслигига, гиёвандлик кўчаларида сандироқлаб юрмаслигига ким кафолат беради? Бозорларда сақич сотиб ёки бирни иккига уриб, пул қилиб, оғзидан боди кириб шоди чиқаётган, ёши каттами ёки кичикми ўдағайлаб, фақат ўз манфаатидан бошқа нарсани кўра олмаётган айрим ёшлар эртага ким бўладилар? Улар мана шу савия, мана шу қашшоқ маънавият билан қаёққа борадилар. Саволлар саволларни келтириб чиқараверади. Қилинган, қилинаётган эзгу, яхши ишларимиз кўп, лекин гуруч орасидан «курмак» каби тишга ботадиган оғриқли муаммолар ҳам етарли. Бунинг учун эса ҳаммамиз биргалашиб ҳаракат қилмоғимиз, эртамиз учун баравар жон куйдирмоғимиз лозим. Токи, тарбия фарзандимиз дунёга келгандан, боғчадан, мактабдан, оиладан бошланмоғи керак. Маънавияти юксак ва фикри-ўйи тўқ инсонларгина биз қураётган ва орзу қилаётган эркин ва фаровон, озод ва обод Ватаннинг муносиб фарзандлари бўлиб вояга етадилар.

Ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ англашлари, қисқа қилиб айтганда ёшларнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлиш мақсадида иш олиб бораётган «Камолот», ўйлаймизки бу борада яна ҳам кўпроқ ишларни амалга оширади, том маънода ўз олдига қўйган шарафли вазифаларни уддалаш учун бор имкониятларни ишга соладилар.

**Одилбек ШАВҚИЕВ**

**БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРДА**

## Қўлни қўлга бериб ишлаяпмиз

***Ўзбекистон ёшларини ўз мақсадлари сари тўғри йўналтириш, уларни Ватан тараққиёти йўлида хизмат қилувчи комил шахс сифатида шакллантириш мақсадида «Камолот» жамғармаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига айлантирилган эди. Мазкур ташкилотнинг республиканинг ҳамма жойларида, хусусан олий ўқув юртларида ҳам бўлимлари очилиб, фаолият олиб бормоқда. Биз Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети қошидаги «Камолот» ЁИҲнинг бош етакчиси Шуҳрат НУРИДДИНОВ билан ушбу мавзу юзасидан суҳбатлашдик.***

**— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан шу кунга қадар қандай ишлар амалга оширилди?**

— Аввалам бор, университетимиз чет тилларини ўрганиш учун ихтисослашганлигини инобатга олиб Финляндия, Австрия, АҚШ ва бошқа давлатлардан келган меҳмонлар билан учрашувлар уюштирилмоқда. Талабаларимизнинг маънавий ва маданий савиясини юксалтириш мақсадида «Қувноқлар ва зукколар», «Халқаро талабалар куни», «Миллий тикланиш ва ёшлар тарбияси», «Биз — президент фарзандларимиз» каби кўплаб мавзуларда сиёсий-маърифий, адабий анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Спортни ривожлантириш учун футбол бўйича «Камолот» кубоги учун ўтказилган финал ўйинлари куни кеча ўз ниҳоясига етди. Энг муҳими, «Камолот» ЁИҲ қошида «XXI аср ёшлари» клуби очилди.

**— Айни кунларда «Камолот» ЁИҲнинг эришаётган ютуқлари ҳамда уни қийнаётган муаммолар борми?**

— Умуман олганда, «XXI аср ёшлари» клуби очилгандан сўнг талабаларнинг фаоллиги сезиларли даражада ўзгарди. Улар ўз эҳтиёжларини мазкур клуб ёрдами билан қондира олишаётгани бизнинг муҳим ютуқларимиздан бири. Лекин уларга янада кўпроқ имкониятлар яратиш учун доимий моддий базага эга эмасмиз.

**— Университетдаги «Камолот» ЁИҲ келгусида ёшлар учун қандай ишларни амалга оширмоқчи?**

— Ўз имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда асосий мақсадларимизни режалаштирганмиз. Жумладан, чет тилида видеотақдимотлар ўтказиш ва аудио кассеталарни қўйиш бўйича амалий машғулотларни ташкил қилиш. Иқтидорли талабалар учун «Камолот» стипендиясини жорий этиш, маънавий-маданий соҳада талабалар театрини ташкил қилиш ҳамда мусиқий марказ тузиш режаларимиз бор. Қолаверса, талабалар ўртасида «Мен Ватаним равнақи учун нима қиляпман?», «Сиз қонунни биласизми?», «ОИТС, гиёвандлик, чекиш ва жиноятчиликка қарши кураш» каби мавзуларда тадбирлар ўтказиш учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Дарҳақиқат, ёшларга бўлган эътибор бугунги кунда ўзгача аҳамият касб этмоқда. Модомики, келажак ёшлар қўлида экан, ўз даврида уларга кўрсатилаётган моддий ва маънавий ёрдам шубҳасиз келгусида ўзининг ижобий самарасини беради.

**Аминжон ХАЛИЛОВ,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.**



Ёшлик — гўзаллик, беғуборлик. Ёшликнинг беғубор лаҳзаларидаги дўстлик мустаҳкам бўлади. Суратдаги турли миллат ёшларини ҳам ана шу дўстлик бирлаштириб турибди.

**Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.**

## «Оқтош»да бир кун

***«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти ёзги таътил даврида умумтаълим мактаб ўқувчи ёшларининг дам олишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун улар дам олаётган оромгоҳларда қатор тадбирларни ўтказмоқда.***

Бунинг учун оромгоҳларда мавсумий Болалар ташкилотининг фаолияти йўлга қўйилди, болаларнинг турли йўналишлар бўйича қизиқишлари аниқланди, қизиқарли танишув кечалари ўйин тарзида ташкиллаштирилди. Туманларнинг Болалар ташкилотлари раислари, фаол етакчилар, сардорлар оромгоҳ очилишига Болалар ташкилотининг деворий газеталарини тайёрлашиб, намунавий кўргазмалар, тақдимот маросимларини ўтказишди.

Шундай тадбирлардан бири куни кеча Бўстонлиқ туманида жойлашган Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси Давлат акциядорлик жамияти қошидаги «Оқтош» болалар соғломлаштириш оромгоҳида бўлиб ўтди.

«Камалак» Болалар ташкилоти, Ўзтелерадиокомпаниянинг «Ёшлар» телеканали «Янги авлод» кўрсатуви ходимлари, Ҳамза тумани Болалар ташкилоти етакчи ва сардорлари биргаликда катта байрам тадбирини ўтказдилар. Улар болалар билан биргаликда турли йўналишлар бўйича саҳнавий кўринишлар тайёрладилар, гуруҳлар ўртасида мусиқа, қўшиқ, рақс санъати бўйича «Истеъдод ғунчалари» танлови, спорт турлари: енгил атлетика, футбол, шахмат-шашка, стол тенниси бўйича спартакиада ўтказилди.

«Оқтош» оромгоҳига мазза қилиб дам олиш учун келган болажонлар ушбу байрам тадбиридан бир олам таассурот олдилар, кўнгиллари шодликка тўлди ва дам олишнинг қолган кунларини ҳам худди мана шундай ўтказишга ҳаракат қилишларига ваъда бердилар.

**Муяссар ЖАМОЛИДДИНОВА,**
**«Камалак» Болалар ташкилоти раиси.**

## Сўранг, жавоб берамиз



**Васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкини бошқариш ҳақида маълумот берсангиз.**

**М. Ниёзова.**

Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкини бошқариш мол-мулк жойлашган ерда ўрнатилади.

Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкини бошқариш, уларга тегишли мол-мулкни бошқаларга ўтказиш, васийлик ва ҳомийликдаги шахсларга тегишли пул ва бошқа қимматли буюмларни сақлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тартиби ва шартлари, шунингдек васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкини бошқариш ва сақлаш бўйича васий ва ҳомийларнинг ҳисобот бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Суднинг шахсни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги ёки уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги ёхуд мерос олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори бекор қилинганда мол-мулкни бошқариш бекор қилинади.

* * *

**Эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича ҳам никоҳдан ажралиш мумкинми?**

**У. Соатов.**

Мумкин. Лекин эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича никоҳдан ажралишни қайд этиш учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим:

Эр (хотин)нинг муомалага лаёқатсиз ёхуд бедарак йўқолган деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори;

эр (хотин) уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳукмидан кўчирма, шунингдек судланган эр (хотин)нинг ўртадаги болалари ва мол-мулки юзасидан низоси йўқлиги тўғрисидаги тилхат.

* * *

**Менинг турмуш ўртоғим вафот этди ва менга улардан квартира ва «Нексия» енгил машинаси меросга қолди. Нотариал идораси уларни расмийлаштириб берди. Квартиранинг умумий баҳосидан 0,3 фоиз миқдорида пошлина тўладим. Лекин машинани ўз номимга ўтказмоқчи бўлсам ДАН маъмурияти 6 фоиз миқдорида пошлина тўлашим лозимлигини айтишди. Шу тўғрими?**

**У. Хуррамова.**

Ҳа, тўғри. Квартира учун ҳам, машина учун ҳам қонун асосида давлат пошлиналари тўланиши лозим. Бунинг учун «Давлат пошлиналари тўғрисида»ги Қонун асос сифатида хизмат қилади.

* * *

**3 та фарзандли бўлганимизда турмуш ўртоғим билан муросамиз келишмай, ажралиб кетдик. Эр-хотин биргаликда олган уйимизни ҳали расмийлаштирмаган эдик. Турмуш ўртоғим сенинг ҳам, болаларнинг ҳам бу уйда яшашга ҳаққи йўқ, деб бизларни уйга киритмоқчи эмас. Айтингчи унинг бунга ҳаққи борми?**

**М. Нишонова.**

Йўқ, ҳаққи йўқ. Агарда уй эр-хотиннинг биргаликда яшаётган пайтида олинган бўлса, улар ҳар иккиси уйга тенг ҳуқуқли эгалик қилиши мумкин. Болаларнинг ушбу уйда яшашга тўла ҳуқуқи бор. Сиз ушбу масала юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилишингиз мумкин.

* * *

**Чойнинг шифобахшлиги ҳақида қадим-қадимдан айтиб келинган. Шу тўғрида тўлиқроқ маълумот бера оласизми?**

**У. Ҳайдарова.**

Чойда бактерияларга қирон келтирувчи жуда кучли хусусият бор. Чойнинг хушбўйлиги ҳам, мазалилиги ҳам, шифобахшлиги ҳам унинг таркибидаги кимёвий моддаларнинг хилма-хиллиги ва мураккаблигидадир. Олимлар чойда 120 хил модда борлигини аниқлаганлар. Чойда, қайноқ сувда эрийдиган моддалар бор, булар экстрактив моддалар деб аталади ва дамланган қайноқ сувга ўтиб ранг беради. Бу моддалар чой совигандан сўнг идиш тагига чўкиб қолади. Суви буғланиб кетса, пиёла тагида қизғиш, жигарранг қуйқа ҳосил қилади. Баъзилар бу қуйқани зарарли деб ўйлайдилар, аксинча чойнинг энг фойдали жавҳари худди ана шудир. Шу хил экстрактив моддалардан бири — танин ҳисобланади. Бу модда овқатни ҳазм қилишда фаол иштирок этади. Замонавий тиббиётда турли ошқозон-ичак касалликларини танин билан даволашади.

Чойда яна котехин ва эпикатехин деб аталувчи моддалар ҳам бўлиб, булар Р дармондориси хусусиятига эгадир. Унинг шарофати шундаки, Р дармондориси қилтомирларни мустаҳкамлайди ва кенгайтиради, натижада қон яхши юришиб кишини тетиклаштиради. Айниқса бош мия ичидаги ва юрак мушаклари орасидаги капилляр томирлар учун унинг фойдаси катта.

Ўзбек халқ табобатида ҳам шамоллаш, ич кетиш, иштаҳасизлик, бош оғриғи, тиш оғриғи каби касалликларни чой билан даволаганлар. Кўз оғриғига қуюқ дамланган қора чойнинг нафи борлиги кўпчиликка маълум, яра-чақаларни ҳам илиқ чойда ювилса, тозалайди.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 139-55-83 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

## ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

### БИЛИБ, ЎЙЛАБ, СЎЗ АЙТАЙЛИК

Ўтган ўқув йили бошланаётган пайтлар эди. Трамвайда беихтиёр бир суҳбатнинг гувоҳи бўлиб қолдим. Сочига бантик таққан қизалоқ билан онаси суҳбатлашиб борарди.

— Ўқитувчинг бугун нимани ўргатди, Наргиз? — деб сўради онаси.

Қизалоқ кўзлари қувончдан порлаб, мактабдаги гапларни айтиб берди.

— Опамларчи, бизларгачи тўғри ўтиришни ўргатдилар.

— Вой опанг ўлсин! — онаси шанғиллади. Шу пайтгача қандай ўтиришни билмас экансанми? Ундан кўра ўқишни ўргатсин, ёзишни ўргатсин, ахлоқ-одобни ўргатсин.

Бу аёлнинг масъулиятсизларча валдираши ғашимни келтирди. Чиндан ҳам мактаб остонасига эндигина қадам қўйган ўқувчига ўқитувчи аввало тўғри ўтиришни ўргатади. Бунинг тагида катта маъно бор. Бола тўғри ўтирса аввало соғлом бўлиб, суяги тўғри ўсади. Қолаверса интизомни ўрганади. Бу хотин эса ўзининг билар-билмас гапи билан нодонлик қилибгина қолмади, балки боланинг тасаввурида ўқитувчининг обрўсини ҳам бир пул қилди. Эртага мактабга борган бола ўз ўқитувчисига қай кўз билан қарайди. Ўзи яхши кўрган, ўзи ҳурмат қилган опасини кўрганида онасининг: «Опанг ўлсин» деган сўзи қулоғи остида жаранглаб турмайдими? Бу билан мана шу аёл ўзининг ахлоқ-одобга муҳтож эканлигини кўрсатмадими? Афсуски ёш бола ўз ота-онасини ҳеч қачон айбламайди. Айниқса 7-8 ёшлардаги бола учун ўз ота-онасидан кўра оқилроқ, чиройлироқ одам йўқдек кўринади. Шу ёшда унинг руҳига жойлашган фикрлар бир умрга муҳрланиб қолиши мумкин. Шундай экан бола билан суҳбатлашганда билиб, топиб ўйлаб сўз айтайлик. Акс ҳолда бўлар-бўлмас гапларимиз билан болаларимиз онгини заҳарлаб қўямиз.

### ТАСОДИФИЙ УЧРАШУВ

Кўп оилаларнинг бузилишига ичкилик орқасидан ўйламай-нетмай айтилган бир гап сабабчи бўлади. Бир биродаримизнинг куюниб айтган ҳикояси шу ҳақдадир...

Умр — оқар дарё экан. Тошмат бир пайтлар ёш эди, шўх эди, ичарди, юрарди. Мана шу одати бошига етди. Ўзи севиб уйланган хотини — Ёқутхондан айрилди.

Ўшанда ичиб келиб хотинини қаттиқ ранжитди.

— Яхши эмас, — деди Ёқутхон Тошматни инсофга чақирган бўлиб. — Нима ёмонлик қилдим сизга?

— Ие, нима қилганингизни билмайсизми? — Тошмат хихилаб кулди. Менгачи, вей, туғмайдиган хотин керакмас. — Менга мева берадиган, фарзанд ато этадиган хотин керак. Тушундингми?

Ёқутхоннинг вужуди титраб кетди. У ҳамма нарсага чидаса-чидардики, эрининг ўз ожизлигини била туриб айбни хотинидан қидираётганига чидаёлмасди. Унинг учун бундан ортиқ тухмат, ҳақорат йўқ эди.

Ёқутхон сан-манга бормади. Индамайгина хонадонни тарк этди. Орқасидан эрининг бақириб: «Боравер, тўрт томонинг қибла, уч талоқсан», деган сўзларини эшитиб беихтиёр кўзига ёш олди...

Мана энди, олтин ёшлиги соврилган Тошмат бугун қилмишидан пушаймон, ўтган умридан норози бўлиб ўтирибди. У энди кексайди, дармондан кетди. Ҳадеб касал бўлаверганидан Тошкент яқинидаги санаторийга юборишди. Хайрият палатадош шериги ўзи тенги бир нуроний кекса экан. Икковлари дарров тил топишди.

— Фарзандлардан биронтаси олиб кела қолмабди-да, — деди шериги Воҳид ака ачиниб. — Йўлда анча уринибсизда биродар.

— Ўша... Фарзанд йўқда, — Тошмат ака афсусланиб бош чайқади. —Фарзанд бўлмагандан кейин хотин ҳам эл бўлмас экан. Тўрт марта уйландим. Ҳаммаси бир-икки йил чидаб, сўнг ташлаб кетди.

— Кечирасиз биродар. Билмай ярангизни тирнаб қўйдим, — деди Воҳид ака узр сўраган бўлиб. —Аслида хотинлар ҳам ҳар хил бўлар экан. Пешонамда бор экан мен ҳам икки марта уйландим. Биринчиси пешонамга сиғмади. Ўғилчамни оламга келтирди-ю вафот этди. Иккинчи оилам ҳам инсофли чиқди. Болага ўгайлик қилмади. Мени ҳам бошига кўтарди. Ундан тўрт ўғил кўрдим. Ҳозир уларнинг ҳаммаси ўқимишли, уйли-жойли бўлиб кетган. Биз кенжамиз билан турамиз. Насиб қилса уйга бир ўтарсиз.

Воҳид ака айтганини қиладиган одам экан. Якшанба кунларидан бирида қўярда-қўймай Тошмат акани Чирчиққа, уйига олиб борди.

Тошмат ака катта икки табақали дарвозадан кириб борди-ю бирдан гулзор ҳовли ўртасида турганича серрайиб қолди. Унинг рўпарасида Воҳид ака оғзидан бол томиб мақтаган аёл — ўша Ёқутхон турарди. Шу тобда у ичкилик билан ўтказган умрини лаънатлади.

### АВТОБУС КУТИБ

Шаҳарда нима кўп — транспорт кўп. Бири биридан кўркам автобуслар, ихчам маршрутли таксилар йўловчиларнинг узоғини яқин қилиб туришибди. Лекин транспорт тури, сони кўпайган сари талаб ҳам шунга яраша бўларкан-да.

Ўтган шанба куни шаҳар айланиб қайтишимда Бешёғоч ва Юнусободнинг олтинчи мавзеи оралиғида қатновчи 51-автобусга чиқмоқ ниятида Амир Темур хиёбони бекатига келдим. Қоқ туш пайти бўлгани учун йўловчилар қуёш тиғидан қочиб ўзларини соя-салқин жойга уришган. Мен ҳам улар қаторидан жой олдим.

Бекатга бирин-кетин келиб кетаётган автобусларнинг сон-саноғи йўқ. Аммо негадир биз кутган автобусдан дарак бўлмасди. Бетоқат йўловчилар шу маршрутда қатновчи автобуслар кейинги кунларда камайиб қолганидан нолишарди.

— Бинойидек қатнаб турарди. Кейинги вақтда негадир «кўз тегди».

— Кеча ҳам худди шу ерда автобус келишини нақ ярим соат кутгандик.

— Ўзи аксига олади-да. Кутганингда келмайди. Бошқа вақтда эса ғирра-ғирра келиб кетади.

Хуллас шу куни ҳам автобусни ярим соат кутишимизга тўғри келди. Билмадик, шу маршрутда қатновчи машиналарнинг сони камайиб кетганми, ёки бунинг бошқа бир сабаби борми? Кўпчилик йўловчилар кўнглида пайдо бўлган бу саволга мутасаддилар нима деб жавоб беришаркин?

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Сирғали тумани ички ишлар ходимлари бир оғуфуруш қора ниятларининг амалга ошишига тўсқинлик қилдилар. Дўстлик-2 мавзесида, ўз хаёлий орзулари оғушида шошиб бораётган Сирғали-4 да яшовчи Р.Камол исмли бу йигит режасининг чиппакка чиқиши мумкинлигини ҳеч ўйламаган эди. Шундай қилиб, ҳаракатларидан анчагина безовта ва бесаранжом бу кимсанинг ёнидан 750 граммдан ортиқ марихуана гиёвандлик моддаси топилди. Қилмиш-қидирмиш деганларидек, айбдор тегишли қонуний жазо олиши аниқдир.

● Яна ушбу туман ИИБ навбатчилик қисмига шу йўсинда қалтис жиноий ҳаракат қилган Чилонзор-17 даҳасида истиқомат қилувчи Г.Иван исмли шахс олиб келинди. Маълум бўлишича, аввал ҳам судланган бўлса-да, аммо ҳанузгача бирон жойда ҳалол меҳнат қилмоқни ўзига эп билмаган бу йигит Сирғали қишлоғи ёнидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёси бўйида сумка кўтарганича кимнидир интиқлик билан кутиб турар эди. Аммо маълум вақт ўтгач, бу ерни тарк этишга чоғланаётган Г.Иван тўхтатилиб, текшириб кўрилганда унинг сумкасидан пухталик билан ўралган 730 грамм марихуана моддаси топилди.

● Миробод тумани ИИБ навбатчилик қисмига Миробод даҳасидаги 60-болалар боғчасида ўғирлик жинояти содир этилганлиги тўғрисида хабар тушди. Милиция ходимлари давом этаётган «Тун» тадбири чоғида ушбу жиноятни ҳам ўз вақтида очишга эришдилар. Қўлга олиниб, айбига иқрор бўлишдан ўзга чораси қолмаган Себзор кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Т.Шерали энди қилмишидан афсус чекмоқда.

● Чилонзор тумани ИИБ ходимлари бир «уддабурон» устани орзусининг амалга ошишига йўл қўймадилар. Аниқланишича, Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган К.Хотам исмли бу шахс Қ.Шарқ даҳаси, 12-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Ф.Қодированинг ишончини суиистеъмол этиб, унинг «Фольксваген» русумли автоуловини тузатиб беришини ваъда қилади. Аммо ёлғон сўзлар билан кўп бора алдаб, олдиндан қўлга киритиб олган 500000 сўм пулларини қайтариб бермасдан қочиб юради.

Бугунги кунда ушбу фирибгар устидан олиб борилаётган тергов жараёнида, унинг Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ниёзбоши жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Б.Зокировни ва Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар, Солиева кўчасида яшовчи фуқаро Т.Йўлдошевларни ҳам шу тарзда лақиллатиб овора қилганлиги фош этилди.

● Юнусобод тумани ҳудудидан «Қозоғистон» кинотеатри олдида ўзига фирибгарликни касб қилиб олган Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманилик, ҳеч қаерда ишламайдиган Г.Алметова исмли шахс милиция ходимлари томонидан далилий ашёлар билан қўлга олинди. Унинг Қоратош кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро В.Аҳмеджоновани «Америкага ишга юбораман» деб алдаб, 3000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини олиб, қайтариб бермаганлиги маълум бўлиб, фош этилди. Ушбу фирибгар устидан ўтказилаётган тергов жараёни давомида унинг метронинг Амир Темур бекати ёнида Сурхондарё вилояти, Денов шаҳридаги Баҳористон кўчасида яшовчи фуқаро Б.Мавлоновани, Олой бозори ҳудудида Тракторсозлар-2 даҳасида истиқомат қилувчи Ж.Аҳмеджоновани ҳамда Юнусобод тумани, 6-мавзеда яшовчи фуқаро Л.Аббосоваларни ҳам Океан орти мамлакатига мўмай даромад тўплаш имкони муҳайё бўладиган ишларга жойлаштиришлиги ҳақида катта-катта ваъдаларни рўкач қилиб, уларнинг ҳар биридан 2500-3500 гача АҚШ доллари миқдоридаги маблағларини қуртдай санаб олиб юрганлиги ҳам аниқланиб, очиб ташланди. Мана охир-оқибат шу каби найрангларига нуқта қўйилиб, айбларига иқрорлик билдирмоқдан ўзга чораси қолмаган фирибгар энди қилмишига яраша жавоб беради.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ**
**Матбуот маркази нозири.**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

**(Давоми. Боши ўтган сонда)**

Шундай ота-оналар борки, фарзандларининг тарбиясига, илм-ҳунар ўрганишларига сира ҳам аҳамият бермайдилар, қайғурмайдилар. Уларни ўз назоратлари остига олмайдилар, тизгинсиз қўйиб юборадилар. Ҳатто фарзандлари ёнида одоб, ахлоққа зид бўлган сўзларни айтишга уялмайдилар. Мана шундай нодон, жоҳил ота-оналар тарбиясида ўсган болалардан жамият учун бирор фойда кутиш мумкинми? Шунинг учун фарзандларингизни гўзал ахлоқли, адабли этиб ўстиринг, ўзингиз ҳам тарбиянгиз, адаб, ахлоқингиз билан уларга ўрнак бўлишга ҳаракат қилинг.

**Байт:**

***Шубҳасиз лозим ўғил, қизга нурафшон тарбият,***
***Боиси бахту саодат моҳи табон, тарбият.***

**Еттинчи насиҳат :** одамлардан айб ахтариб юрувчи бўлманг. Ўзаро келиша олмай бир-бирингиздан узоқлашиб кетманг, балки дўстлашинг, бир оила аъзолари каби бир-бирингизга меҳр-муҳаббатли бўлинг. Зарурат бўлмаса, бировдан ҳеч нарса сўраманг, унинг миннатини кўтариб юрманг. Арзимаган, аҳамиятсиз нарсалар учун бир-бирингиз билан жанжаллашманг, жоҳил, нодонлардан бўлманг.

Илм-фан, одоб, ахлоққа тегишли яхши сўзларни эшитсангиз, эсдан чиқмаслиги чорасини кўринг. Кераксиз бўлмағур сўзларни сўзлашдан тилингизни тийинг.

Ҳеч кимни ғийбат қилманг, бировга туҳмат қилишдан сақланинг. Қариндош-уруғларингиз, дўстларингиз ёки таниш-билишларингиздан бириси учраб қолса, ҳолини сўранг. Уйингизга келган меҳмоннинг иззат-ҳурматини бажо келтиринг.

Бошингизга қайғу, алам тоғи йиқилишини истамасангиз, эзгуликдан узоқ, ёмонликка яқинроқ бўлган ярамас одамларга ёндошманг, улар билан сира суҳбатдош бўлманг.

**Байт:**

***Гар ёмонлик йўлини ҳар кимса қилса ихтиёр,***
***Халқ ишончин йўқ этиб, бўлгай балоларга дучор.***

**Саккизинчи насиҳат:** биз инсонларга улуғ ҳадя — ақлни улуғ неъмат деб билинг, уни софлик ва комил равишда асрашга эътибор беринг. Бундай улуғ неъматни ва бундай шариф ҳадяни сақлаш ҳар кимнинг энг биринчи ва шарафли бурчи эканини унутманг.

Шундай экан, баъзи одамлар бордирки, бу азиз неъматни ичкилик йўлида барбод берадилар. Ақл агар олтин бараварда сотиладиган бўлсайди, ҳушёр одамлар бор нарсаларини сотиб бўлса ҳам ақлга харидор бўлар эдилар. Ҳолбуки ичкиликка мубтало бўлган одамлар девоналикни сотиб оладилар.

Ичкилик ҳамма ёмонликнинг онасидир. Ичкиликка мубтало бўлган киши мулойимлик, поклик, омонат, сир сақлаш, тадбир ва оилани тарбия этиш каби гўзал хулқлардан бутунлай маҳрум бўлади. Вақт ва мол-дунёсини ҳам қўлдан бой беради, бузуқ хулқини гуноҳсиз ёш болаларга мерос этиб қолдиради. Шунинг учун бу заҳар бу оғудан аввал ўзингизни, кейин оилангизни, ҳаттоки ҳамма қариндош-уруғларингизни, таниш-билишларингизни сақлаш йўлида ғайрат қилинг ва бутун иштиҳодингизни сарф қилинг.

**Байт:**

***Ичкилик оғу-заҳар, ёндошмагил, бўлгил узоқ.***
***Қанчалик бўлсанг узоқ ундан, ўшанча яхшироқ***

**Тўққизинчи насиҳат:** бир-бирингизнинг турмушингизга, молу-дунёингизга ҳасад қилманг, аччиғлашманг, ёмон сўзга борманг, ғазаб вақтида ўзингизни тутинг, иккиюзлама мунофиқликдан, бахилликдан сақланинг, Ёлғончи, ғийбатчи, туҳматчи ва чақимчи бўлманг. Ваъдангизга вафо қилинг, меҳнатсевар, ишчан, ғайратли ва матонатли бўлинг. Омонатга хиёнат этманг, одамларни кулдириш учун маъносиз, одоб, тарбияга хилоф бўлган сўзлардан сўзламанг.

**Байт:**

***Истасангиз қайғу-ғамлардан нажот,***
***Ножўя ишлардан айланг эҳтиёт.***

**Ўнинчи насиҳат:** ақлли одам ўзининг кимлигини, даражасини билиб, шунга қараб иш олиб боради, гўзал хулқли одамларда мунофиқлик бўлмайди, ёмонликдан қайғуриб яхшилик учун севиниш комил инсонда топилади.

Ризқ-рўзингизни тупроқ остидан изланг, яъни ер ҳайдаб уруғ сепинг, тоғларга чиқиб конларни изланг, бу ишларга мутахассис бўлиш учун махсус ўқув юртларига кириб ўқинг, молу давлатингизни, оилангизни тарбия этишдан қизғанманг. Мабодо ишингиз ўнгланмаса, қайғуриб ўтирманг, ўнгланишига ғов бўлиб турган нарсаларни битиришга ғайрат қилиб киришинг. Билмаган нарсангизни «биламан» деб даъво қилманг. Ёлғондан гувоҳлик берманг. Ҳаққингиз йўқ нарсаларни даъво қилиб олманг. Нафис санъатларни ўрганишга ҳавас қилинг, ўрганинг. Она тилингизни севинг, ҳурматланг, қадр-қимматини тақдир қилинг, юксак мақомга кўтаринг.

**Байт:**

***Ҳар тилакнинг аввалидир, шубҳасиз, тил очиғи,***
***Тил — тараққий ҳам саодатнинг биринчи босқичи.***

**Ўн биринчи насиҳат:** гуноҳ унутилмайди, эзгулик ерда қолмайди. Ҳар ким нима сепса шуни ўради. Эзгулик экишга шошилинг, Нафсингизни ҳамма истагини бажо келтиришдан чекилинг. Хайрли ишлар учун саъй ҳаракат қилинг. Жамият манфаатини ўз шахсий манфаатингиздан ортиқ билинг. Ёмонлик орқасидан юрманг. Саломатлик, тинчлик — энг улуғ неъматлардан ҳисобланади. Бунинг қадр-қимматини билинг. Умрингизни фойдасиз нарсаларга сарф қилманг. Сизнинг мол-дунёингиз, насл-насабингиз, мартабангиз эмас, қилган гўзал ишларингиз, яхшиликларингиз номингизни шараф билан ёд эттиради, халқ кўнглида абадий қолдиради. Ўйлаган тилакларингиз ҳосил бўлмай қолса, ортиқча қайғуриб, соғлиғингизга зарар етказманг, шунга ўхшаш молу-дунёингизнинг кўплиги учун ҳам ўз-ўзингизни билмас даражада шодланманг, ғурурланиб кетманг.

Ишланг, меҳнатни севинг, ҳалол касб билан топган мол-дунёингизни керакли ерларга сарф этинг.

## ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

### Муҳаммад Авфий

# Жавомиъ ул-ҳикоёт

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

Биз ўша куни ўша ерда бўлиб, эртаси Басрага қайтдик. Мени канизак ҳузурига олиб бориб, унинг уйига киритдилар. Бечора канизак мени кўриши ҳамоно наъра тортиб, ҳушидан кетди. Ўша ерда ҳозир бўлганлар: «Магар канизакнинг жони танидан парвоз қилган бўлса керак», деб гумон қилдилар. Бирор соатдан сўнг ўзига келгач, бир-биримиз билан қучоқлашиб, бошдан кечирган ғам-кулфатларимизни ҳикоя қилишдик.

Шундан сўнг, басралик йигит менга шундай деди: «У сенинг ҳукмингдадир, ўзинг билан бирга олиб кет!»

«Эй хожа, уни озод қилиб, сўнгра биз учун бир қасри олий бунёд қилиб, барча рўзғор асбобларимизни муҳайё қилиб беришга қарор қилган эдинг...» дедим. У барча сўраганларимизни бериб, яна беш юз динор олтин бераркан: «Мен Басрага етиб келган кунимиздан бошлаб, сен учун эҳсон ажрата бошлаган эдим. Энди вақт-соати келди, бу йиғилган маблағни олиб, ўз эҳтиёжингга сарфла!» деди. Яна мен билан канизакка ҳар ойда муайян маош белгилаб, шартимиз аввалгидек қолади. Қачонки менда унинг ашуласини эшитиш иштиёқи туғилса, парда орқасида туриб мен учун соз чалиб, тараннум қилсин. Қайтаётганингда яна бирга олиб кетаверасан!»

Басралик йигитнинг биз учун қурган қасрига бордик. Ўша ерда яшай бошладик.

### ҲУКМДОРЛАР ИБРАТИ СИР САҚЛАШ ҲАҚИДА

Шопур номли подшоҳ ўз вазири ва яна аркони давлатидан бир киши билан давлат ишлари ҳақида кенгашаётиб, муҳим давлат сирини уларга айтди. Шоҳдан муҳим давлат сирини эшитган ҳамоно вазир ўрнидан туриб ер ўпиб шоҳга таъзим қилиб: «Подшоҳ, биз бандаларини ўз сирига маҳрам қилди. Аммо, подшоҳга вожиб эдиким, бизни алоҳида-алоҳида чақириб, сирни айтмоғи лозим эди. Токи ҳар биримиз «шоҳ ўз сирини фақат менга айтди», деган хулосага келмоғимиз даркор эди. Ана шунда биз бир-биримиздан шубҳаланмас эдик ва сирни сақлашга жон-жаҳдимиз билан ҳаракат қилардик. Мабодо, сир ошкор бўлган тақдирда, сирни ким ошкор қилган ва ким сирни сақлай олганлигини подшоҳ дарҳол аниқлаши мумкин бўларди», деди.

Шоҳ деди: «Сенинг бу сўзларинг, сир сақлаш борасида носиҳларнинг минг хил насиҳатларидан кўра минг марта афзалроқдир».

### АБУ НАСРНИНГ ҲИКОЯСИ

Дебдурларким, султон Яминуддавла Маҳмуд Сабуктегин бир неча вақтдан буён Аёзнинг синглисига мафтун бўлиб, уни ўз никоҳига олишни ўйлаб юрарди. Лекин аъёни давлат ва хослардан андиша қиларди. Бир неча муддат шу аҳволда юрди.

Кунларнинг бирида Абу Наср султон Яминуддавла хизматига келди. Абу Наср шундай ҳикоя қилади: «Кечаси султоннинг мажлисида ўтирган эдим. Мажлис тугагач, султон оёғини мен томонга узатди. Султон одатига кўра, бу «оёғимни уқала», дегани ва бирор сир айтмоқчи бўлгани эди. Бир оздан сўнг султон деди: «Ҳакимлар уч кишидан сир сақламаслик лозим, деганлар. Табибдан, насиҳатгўй дўстдан, мухлис ва оқил хизматкордан. Кўпдан бери кўнгилда бир андиша бор эди. Бу кеча ушбу сирни сенга айтаман, қани, сен нима деркинсан». Агар подшоҳ мени ўзларига ҳамрозликка муносиб кўрган бўлсалар, бу бандада не ҳаддур. Банда учун ҳар қандай хизматга камарбаста бўлиб турмоқлик вожибдир», дедим.

Султон сўз бошлади: «Кўп вақтлардан бери Аёзнинг синглисини ўз никоҳимга киритишни хоҳлайман. Аммо атрофдаги қўшни подшоҳлар мени ақлсиз ва фаросатсизликда айблашларидан қўрқаман. Шунингдек, сарой аъёнларининг ғийбатларидан андиша қиламан. Бу борада сен нима дейсан? Бирор подшоҳнинг ўз фуқаросига уйланганини тарихда ўқиганмисан?»

Мен: «Бу борада мисоллар кўпдир. Сомонийлар сулоласининг барча ҳукмдорлари ўз қўл остларидаги чўри ва хизматкорлардан ўз никоҳларига киритганлар. Бинобарин, бу хабарни эшитган кишилар подшоҳни бу масалада гуноҳкор ҳисобламайдилар. Подшоҳнинг ўзларига маълумки, Қубод Туркистонга кетаётиб, Исфаройин шаҳрида бир деҳқон қизига уйланди. Бу никоҳ натижасида Анушервон дунёга келди. Ажам тарихидан ўқибдурманким, Баҳром Гўр гозурнинг қизини ўз никоҳига олган», дедим.

«Бу ҳикоят қандай эди?» деб сўради султон. Мен ҳикоя қилдим:

— Кунлардан бир кун Баҳром Гўр овга чиққан эди. Ногаҳон бир кийикнинг шарпасини сезиб, кийик орқасидан от чоптириб, узоққа кетди ва лашкарларидан узоқлашиб, йўлдан адашди. Ниҳоят, ташналикдан қийналиб юриб-юриб бир қишлоқнинг устидан чиқди. Қишлоқнинг четидан оқаётган катта сув олдида кир ювиаётган бир кишини кўрди. У киши ўз хотини ва қизи билан бир неча чопонларни юваётган эдилар. Баҳром улар тепасига бориб: «Эй гозур, менга сув бер», деди. Гозур ўрнидан туриб, Баҳромга таъзим қилди ва хотинига: «Эй хотин, подшоҳга сув бер», деди. Хотин ўрнидан туриб, жомни қўлига олди ва бир неча бор ювгач, қизига қараб: «Қизим, подшоҳга сув бер!» деди. Қиз жомга сув тўлдириб Баҳромга олиб борди. Баҳром қизга боқиб кўрдики, қиз ҳусн-малоҳатда беназир ва камолот ёшида эди. Баҳром кир ювувчи кишига қараб: «Эй гозур, бугун мени меҳмон қиласанми?» деб сўради.

Гозур подшоҳга жавоб бераркан: «Агар подшоҳ бизнинг қаттиқ нонимиз ва кўз ёшимизга қаноат қилсалар, имконимиз борича мезбонлик қиламиз», деди. Шундан сўнг, сув бўйига покиза жой солиб, Баҳромни ўтқазди. Баҳромнинг отини олиб дарахтга боғлади. Шоҳ олдига солиш учун тоза дастурхонни қизига топшириб, ўзи шошганича қишлоқ томон кетди. Бир оздан сўнг таом ва шароб келтириб, қадаҳни қизига бериб, подшоҳга соқий бўл! - деди. Қиз қадаҳни тозалаб ювиб, сўнгра шароб тўлдириб подшоҳга тутди. Подшоҳ қизнинг қўлидан қадаҳни олган эди, қиз Баҳромнинг қўлини ўпди. Баҳром қизга қараб: «Бўсанинг жойи қўл эмас, лабдир. Токи, лаб лабдан баҳраманд бўлгай», деди. Қиз Баҳромга жавобан таъзим қилиб, «ҳали вақт-соати етганича йўқ», деди. Подшоҳ бу малоҳатдийдор ва латофатгуфторликдан ҳайратга тушди. Қиз билан подшоҳ шу ҳолда турганларида, подшоҳнинг аскарлари подшоҳ изидан етиб келдилар. Подшоҳ қизга қараб, бу жамоатдан юзингни яшир, деди.Қиз дарҳол юзига ниқоб тортди.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# Бошқотирма




**Энига: 7.** Ҳашарот, гул шайдоси. 8. Масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ишонтириш. 10. Ҳарбий унвон. 13. Чиннисимон ялтироқ ғишт. 14. Тола олинадиган экин. 15. Ўзбекистон жанубидаги шаҳар. 16. Тўғри бурчакли учбурчак томони. 20. Гап бўлаги. 21. Миллий спорт тури. 25. Санъатини Лондонда намойиш этган моҳир ўзбек доирачиси. 27. Осиё жанубидаги мамлакат пойтахти. 28. Тригонометрик функция.

**Бўйига:** 1. Улкан денгиз ҳайвони. 3. Уруғи қандолатчиликда ишлатиладиган ҳушбўй ўсимлиги. 4. Қимматбаҳо тошлар ўлчови бирлиги. 6. Бир турдаги нарсаларнинг маълум алифбо тартибидаги рўйхати. 9. Илм хазинаси. 11. XVIII асрда Хоразмда яшаб, ижод этган ўзбек шоири. 12. Марказий Африкадаги давлат. 17. Ўзбек халқ достони. 18. Қазилма ёқилғи. 19. Кемирувчи зараркунанда ҳайвон. 22. Лаборатория идиши. 23. «Оқлар ва қоралар» асарини ёзиб қолдирган шахмат гроссмейстери.

**Айлана бўйича:** 29-30. Германиялик шахмат усталаридан бири. 30-31. Кўркам, баланд иморат. 31-29. Спорт анжоми.

**Ёйлар бўйича:** 2. Қарчиғайсимон, йирик йиртқич қуш. 5. Дунё томонларини кўрсатувчи асбоб. 24. Ипак ва зардан тўқилган газлама. 26. Ошкўк экин.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 28 июнь сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Диагонал бўйича:** 1. «Камолот». 2. Бахши. 3. Баҳорикор. 4. «Насаф». 5. Қарши. 6. Қорабайир. 7. Чопар. 8. Бегемот. 9. Марс. 10. Гоби. 11. Локомотив. 12. Маймунжон. 13. Турбина. 14. Торпедо. 15. Ёмби. 16. Купе. 17. Дўкон. 18. Гўния. 19. Ҳоқон. 20. «Бозор».

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Яшин. 2. Гулхан. 3. Миқдор. 4. Ток.

**Ҳикмат: Яхши хулқ яхшиликнинг аломатидир.**



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-410. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 13.30 1 2 3 4 5 6

